

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИ АСАР ТАҲЛИЛИГА ЎРГАТИШ ТАЖРИБАСИДАН



Саодат Султонсаидовна СУЛТОНСАИДОВА

Филология фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари

университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада бадиий асарни таҳлил қилиш принциплари ҳақида фикр юритилган. Бунда муаллиф таҳлилга, ёшларнинг бадиий асар сюжетида учрайдиган у ёки бу муаммони талқин қилишдаги ёндашувига кўпроқ эътибор қаратади, шунингдек, насрий ва лирик асарларни таҳлил қилиш бўйича вариантларини тавсия этади. Адабиётшуносликка кириш ва адабиёт назарияси фанлари ўқитилишида режалаштирилган мавзулар бўйича назарий маълумот берилгач, шу асосида талабаларни бадиий асарни таҳлил қилишга ўргатиш муҳим масалалардандир.

Калит сўзлар: таҳлил; интерпретация; бадиий асар; адабиётшунослик; назария.

ИЗ ОПЫТА ОБУЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ АНАЛИЗУ ПРОИЗВЕДЕНИЙ НА ЗАНЯТИЯХ ПО ЛИТЕРАТУРЕ

Саодат Султонсаидовна СУЛТОНСАИДОВА

Кандидат филологических наук, доцент

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье речь идёт о принципах анализа художественного произведения. При этом делается упор на анализ, подход молодых в интерпретации тех проблем, которые встречаются в сюжете произведений, а также рекомендуются варианты анализа прозаического и лирического произведений. Обучение студентов анализу произведения важно после усвоения теоретических знаний в курсах Введение в литературоведение и Теория литературы.

Ключевые слова: анализ; интерпретация; художественное произведение; литературоведение; теория.

ON TEACHING STUDENTS ANALYZING WORKS AT LITERATURE LESSONS

Saodat Sultonsaidovna SULTONSAIDOVA

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor

Uzbekistan State University of World Languages

Tashkent, Uzbekistan

Abstract

This article deals with the principles of the analysis of a work of art. This focuses on the following facts, such as the relationship of analysis with scientific thoughts, the approach of the young in interpreting these or those problems that occur in the plot of works, and also recommends the analysis of prosaic, lyrical works. Especially when subjects are taught in Literature and Literature Theory, after mastering theoretical information on how to teach students to analyze a work.

Keywords: analysis; interpretation; work of fiction; literary criticism; theory.

Бадиий адабиёт – сўз санъати. Талабалар эътиборини санъатнинг сеҳрли оламига қаратиб, ана шу оламнинг сеҳрини билишлари учун бадиий асарни таҳлил қилишга ўргатиш мумкин. Адабиётшунослик олдида турган вазифалар ичида алоҳида олинган бадиий асарни таҳлил қилиб ўрганиш жуда масъулиятли иш эканлиги олимлар томонидан бежиз таъкидланмаган (5). Танқидий-таҳлилий мақолаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, кимдир бадиий асарнинг хронотопи ҳақида, кимдир бадиий образлар тизими тўғрисида, яна кимдир ғоявий-тематик томонлари бўйича ва айрим тадқиқотчилар унинг тил хусусиятлари ва услуби юзасидан таҳлилни амалга оширадilar. Талабаларга адабиётшуносликка кириш ва адабиёт назарияси фанлари ўқитилишида санаб ўтилган мавзулар моҳияти қисқа-лўнда баён этилади ва улар ҳақида тушунчалар ҳосил қилинади. Сўнгра семинар машғулотларида алоҳида олинган бадиий асар мисолида шу мавзулар бўйича таҳлилга ўргатилади. Адабиёт назарияси талабаларга ўқитилиши жараёнида бадиий асарни таҳлил қилиш йўллари ҳам ўргатилади. Бунда бадиий асарни икки хил усул билан таҳлил қилиш ҳақида маълумот берилган. Биринчиси, Е.В.Хализевнинг адабий асарни кўриб чиқиш тамойиллари асосида (5, 186), иккинчиси, мазкур фанда ўқитилadиган мавзулар бўйича таҳлил қилишга ўргатилиши мумкин. Агар асар биринчи турдаги тамойиллар асосида таҳлил қилинадиган бўлса, нималарга эътибор бериш керак бўлади? Бунда, энг аввало, адабиёт санъатнинг бир тури, яъни сўз санъати эканлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

Гегелнинг кўрсатишича, санъатнинг бешта тури мавжуд, булар: 1) архитектура; 2) скульптура; 3) мусиқа; 4) тасвирий санъат; 5) поэзия. Кўринадик, Гегель санъат тури сифатида адабиётни эмас, у адабиётнинг бир кўриниши поэзияни кўрсатади. Бунга сабаб, дастлаб, бадиий эпик асарлар шеърини шаклда ёзилган. Масалан, антик адабиёт намуналаридан “Илиада” ва “Одиссея” дostonлари, қадимги ҳинд адабиёти намуналаридан “Рамаяна” ва “Маҳобҳорат” ҳам шеърини йўл билан яратилган. Ўзбек адабиёти намуналаридан “Қутадғу билик”, “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, Алишер Навоий “Хамса”си ҳам поэзия турига киради. Албатта, қадимдан илмий асарлар ўз ифодасини насрда топган. Арасту “Поэтика”си, Гесиоднинг “Меҳнат ва кунлар” асари, “Маҳмуд

Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк”, Навоийнинг “Муҳокаматул-луғатайн”, “Мажолис ун-нафоис”, Бобурнинг “Бобурнома” асарлари ҳам насрий йўл билан ёзилган. Албатта, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Талабаларнинг бундай маълумотларни чуқурлаштиришлари, янги маълумотларни топишимкониятлари пайдо бўлади.

Бундай қаралганда, бу жуда кенг миқёсли иш, лекин талабалар олган назарий билимларини амалда қўллаш жараёнида бундай ишга қаттиқ берилиб кетадилар. Масалан, маъруза жараёнида улар бадиий образ, бадиий асар тузилиши: шакл ва мазмун, мавзу ва ғоя, сюжет ва композиция, бадиий нутқ, адабий тур ва жанрлар, шеършунослик асослари, адабий жараён, бадиий асарни таҳлил қилиш тамойиллари каби мавзулар бўйича билим олишади. Сўнгра ўзлари севиб ўқиган роман мисолида унга хос бўлган барча элементларни аниқлаб чиқадиладар. Албатта, бунда уларга дарснинг бошланишида тавсия қилинган адабиётлардан фойдаланиш усуллари ўргатилади. Бу жараёнда бадиий асарда қандай бадиий унсурлар бўлиши лозимлиги, улар қандай ифодаланганлиги, ёзувчи у ёки бу асарини ёзиш жараёнида ундаги ҳаёт манзараларини нима мақсадда тасвирлаганлиги, унинг асардаги ва ҳаётдаги ифодасининг қай даражада мос келиши каби масалаларга эътиборини қаратишади. Шу тариқа бадиий асарни таҳлил қилиб ўқишга ўрганишади.

Бадиий асарни таҳлил қилиб ўқишнинг яна бошқа кўринишлари бор. Бунда айрим талабаларга ўқилган асардаги бадиий образларга тавсиф бериш, бошқаларига бадиий асардаги мавзу ва ғояни аниқлаш ёки бадиий асар тилини ўрганиш топширилади. Бундай ишларни талабалар жуда ёқтиришади. Улар ранг-баранг тақдимотлар яратишади, театрлардан кийимлар олиб келиб, образлар яратишади. Бундай ишлар бадиий асарни ҳар томонлама таҳлил қилиб ўқишга, ундаги яхши воқеалардан ибрат олишга ва ёмон воқеаларнинг моҳиятига тушуниб, оқибати нима билан тугаши мумкинлигини тасаввур қилишга ўргатади.

Шуни таъкидлаш лозимки, воқеаларнинг юз бериш сабаб-оқибатларини талқин ва таҳлил қилиш талабаларни жуда қизиқтиради, чунки “талқин адабиёт ҳақидаги фаннинг ўзаги бўлиб, у эгилувчан, қаттиқ тартиб, талаб жорий қилинмайдиган марказдир. Талқин жуда аниқ илмий фанлар билан ўралган бўлиб, улар талқин учун қобирға вазифасини бажаради. Буларга ёзувчи биографиясини ўрганиш, матн тарихи, шеършунослик кабилар қиради” (3, 198). Шеллинг: “Санъат асари сон-саноксиз талқинларга йўл қўяди. Бу чексизлик санъаткорнинг ўзи томонидан асар моҳиятига сингдирилганми- йўқми ёки асарда намоён бўладими, буни аниқ айтиб бўлмайди” (6), –деган эди.

Бу фикрга талабалар томонидан келтирилган бир талқинни мисол қилиб келтириш мумкин. Уларнинг талқинича, “Кумушнинг фожиасида Зайнабнинг айби йўқ, чунки Зайнаб ҳам бахтли бўлишни истади, унинг ҳам бахтли бўлишга ҳаққи бор”. Бундай талқин кўпчилик ёшларнинг қарашларида мустаҳкам ўрин тутди. Уларни бошқача фикрга ишонтириш ёки фикрини ўзгартириш жуда қийин. Шундай ҳолатда қонунларга мурожаат қилинади. Қонуннинг моҳиятини чуқур билмаслик, масалани нотўғри талқин қилишга олиб келади. Албатта, бу ҳақда бошқача фикрлайдиган талабалар ҳам бор. Узоқ тортишувдан сўнг талабалар одам ўлдириш қонун бўйича ҳам, диний томондан ҳам қораланишини, қотиллик ҳамини жазоланган эканлигини тушуниб етишади. Лекин бадий мантиқ бошқача талқинни тақозо қилиши мумкин ва бу масалани аниқроқ тушуниш учун илмий-назарий тадқиқотлар ва адабий-танқидий мақолалардаги фикрлар билан танишиш зарур. Масаланинг моҳиятини чуқур ўрганиб, сўнгра фикр билдиришга қадам қўйиш зарур. У.Жўракулов адабиётшунослик назарияси нуқтаи назаридан ушбу бадий воқеани шундай талқин қилади: “Зайнабнинг Кумушни заҳарлаганлигидаги ҳолати – заҳарланган (Кумуш) учун эмас (илло трагизм назариясига кўра ўлиш-қутулиш, муаммолар ечими демакдир), заҳарлаган(Зайнаб) учун, трагик кульминация эди. Зотан, ҳар томонлама яққаланиб, ечимсиз вазиятда қолган Зайнаб учун бундай ғайришуурий ҳаракат ечим бўлолмас, аксинча, уни олий мақсади бўлган ёрдан абадий жудо қилар эди. Бунинг даҳшатини ногаҳон англаган Зайнаб ечимсиз вазият қаршида ожиз қолади, телбага айланади ва трагик қаҳрамон қисматига абадий маҳкум бўлади” (1). Мана шундай ҳолатларда бадий адабиётнинг тарбияловчи кучи намоён бўлади ва у ёки бу воқеани талқин қилишда жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш кераклигига ўргатади. Айниқса, шеъринг асарларда ниҳоятда кўп талқинлар вужудга келиши мумкин, чунки шеър кучли ҳиссиёт туйғули вужудга келади. Шеърда ифодаланган туйғу шеърхоннинг туйғуси билан ҳамоҳанг бўлса, яхши, агар ҳамоҳанг бўлмаса-чи, унда Шеллинг айтганидек, хилма-хил талқинлар пайдо бўлади. “Шеър – жуда сирли ҳодиса. У руҳият билан боғлиқдир. Инсон вужудининг ҳар бир узви, унинг беҳисоб ҳужайраси, ҳар бир асаб толаси ҳар бир туку терисини жон риштаси билан қамраб олган руҳнинг нималиги, қандай жумбоқ эканини англашга одамнинг онги ожизлик қилади. Шеър инсоннинг руҳияти билан боғлиқ бўлгани боис ҳам турлича таърифланади. Лекин бу таърифларнинг ҳеч бири бу сирли-сеҳрли жумбоқнинг маъно-моҳиятини аниқ акс эттиролмайди” (4, 202). Ҳақиқатан, ҳар бир одамнинг ҳиссиёти шеърдаги туйғули фикрни ўзича қабул қилади ва ўзича талқин этади. “Шеър – туйғунинг суврати. Шоир камалакранг сўзлар билан ҳис-туйғу расмини

чизади. Шоирнинг туйғулари устига заррин либос ёпиб саҳнага чиқади, рақсга тушади. Ҳаммасида талантили шоир – муаззам шахснинг юраги акс этади” (2). Шеърят ҳақидаги бундай фикрларни талабаларга тушунтириб, сўнгра таҳлилга ўргатилади. Албатта, дастлаб, шеърнинг қофияси, вазни, туроғи, равий каби назарий фикрларнинг моҳияти ҳақида тасаввур ҳосил қилинган, талқин қилишга ўргатилади. Баъзан шундай талқинлар вужудга келадик, улардаги фикрни ёзувчи ёки шоир ҳаёлидан ҳам ўтказмаган бўлиши мумкин. Талқин асосида таҳлил қилиш шуниси билан яна ҳам қизиқарли бўлиши мумкин. Бу эса адабиёт, тўғрироғи, шеърят билан доимий шуғулланишга туртки беради.

Масалан, ёш шоира Нафосат Холиқованинг “Мангу ёнар мен ёққан шамлар” деб номланган шеърини таҳлил қилишда нималарга эътибор бериш мумкин? Бу унинг биринчи тўплами. Унда ёш ижодкорнинг илк туйғулари ўз ифодасини топган. Ундаги шеърлар жуда самимий ёзилган, пок қалбнинг нолалари шеърхоннинг эътиборини ўзига тортади. Масалан, “Умид билан” шеърида Нафосат шундай ёзади:

*Армон дилни тилса ҳам,/ Кимдир хандон кулса ҳам,
Дунё бир кам бўлса ҳам,/ Кутдим мен умид билан.*

Кўринадики, шоира ниманидир кутиб яшайди. У кутишдан зерикмайди, чунки унинг шуури умид билан лиммо-лим. Умид билан лиммо-лим қалб эгасига ҳам, ўқувчига ҳам қувват беради, келажак ҳақида нурли тасаввур уйғотади. Қуйидаги мисраларда эса шундай дейди:

*Ортимга қарайман армонли йўллар,
Бошимга ёзилган маломат дўллар,
Ярата олмадим саҳрода гуллар,
Нетай кўнгил кўчасин излар.
Йиғламайман сенга қўшилиб,
Яшамогим керак шошилиб,
Керак эмас кўз ёши тўкиб,
Энди ўзинг йиғлайвер осмон.*

Ҳар бир одам ҳаётида қандайдир нохушликларга дуч келади. Кимдир йиғлаб овунади, кимлардир ўзини чалғитувчи машғулот билан шуғулланади. Нафосат эса яшашга шошилади. У – ҳаётсевар қиз. Унинг орзулари бисёр. Шу орзу йўлида тинимсиз ҳаракат қилади, китобхонни ҳам шунга ундайди.

Шундай қилиб, ушбу тўплам билан танишган одамда умидворлик, келажакка ишонч, ҳаётсеварлик туйғулари уйғонади, кўтаринки кайфият пайдо бўлади. Бу хусусият ушбу тўпланинг устувор томонидир.

“Дардли кўзлар” шеърий тўплами Нафосатнинг иккинчи тўплами. Бу ҳаваскор шоиранинг анча улғайганини, жиддий фикрлар юритаётганини кўрсатади. Агар биринчи тўпланини очилиб турган нафис гуллар ва гуллар устида учиб юрган капалакларга қиёс қилсак, ушбу тўпланда оғир, залворли фикрлар ифодаланган шеърларни учратиш мумкин. Бу китоб она мавзусидаги шеър билан бошланади. Унда бу мавзуга янгича ёндашув бор. Нафосат она ва лирик қаҳрамон “мен” образини яратади. Унда она ва боланинг диалоги берилган. Лирик қаҳрамон онасига ўзини қийнаётган муаммоларни айтади, уларни ечиш йўллариини излайди. Кўпчилик оналар каби лирик қаҳрамоннинг онаси оғирлик ва босиқлик билан боласига жавоблар беради, уни тинчлантиради, йўл-йўриқлар кўрсатади. Мана она ва бола ўртасидаги диалогга эътибор берайлик:

*Она, эзиляпти юрагим,
Наҳот, сароб бўлса тилагим?
Кўпаймоқда дилда сўрогим,
Наҳот, умрим азобли шунча?
Болам, мен бор, бордир ҳам отанг,
Аллоҳ деб юрагинг урсин бонг,
Шукр қилиб уйғонгил ҳар тонг
Сабр қилсанг, беради шунча.*

Китобда юрак, дил, кўнгил, муҳаббат, дунё, инсоф, адолат, орзу, умид, армон каби тушунчалар ҳақида фалсафий фикр юритишга ҳаракат қилиб ёзилган шеърлар жамланган. Шоиранинг фикрлари самимий, юрагидан сизиб чиқади, гўё:

*Менга умид берди-ку ҳаёт
Шеър шиқила яшай умрбод.
Ашъор битиши ўзи иноят
Умид билан яшайвераман.*

Мана шу тўртликда Нафосатнинг ҳаётини дастури баён қилинган. Нафосат Холиқованинг ҳаётини тушунишга ҳаракат қилаётгани, изланаётгани, уни изоҳлаётгани ва тавсиялар бераётгани ўзига хос, улар дардли оҳангларда жаранглайди. У ҳар бир одамнинг қалбида кечаётган ҳиссиётларни сатрларга кўчиради, юпатишга ҳаракат қилади:

*Ғам чекманг, ҳали ҳаёт олдинда,
Ҳали айтилмаган баёт олдинда.
Шунчаки енгилдим, деманг ҳаётда
Аллоҳ бергувчидир, нажот олдинда.*

“Уйғотиб дилларни” шеърида ажойиб бир тасвир мавжуд. У ўзини чақинга ўхшатади ва бу билан оламини ёритиб яшашга ундайди:

Хаёллар уммон қадар, / Орзу шунчалар яқин.

Уларга етсам агар, / Юрагимда бор чақин.

Ёки шунга ҳамоҳанг жаранглайдиган мана бу мисралар одамнинг эътиборини ўзига тортади:

Ишқ сўрайверма мендан ёлвориб,

Дунёнда сенми ё менмидир гариб.

Нафосат, барибир, бўлади голиб,

Менга кўз ёшларни тутмагин ҳаёт.

Нафосатнинг лирик қаҳрамони сиз, биз ва ҳамма одамларга ўхшайди, чунки у барчанинг дардини чуқур ҳис қилади, улар билан биргаликда нафас олади, дардни биргаликда кечиради ва биргаликда ундан ҳалос бўлиш йўлларини излайди ва топади ҳам. Яхшиси, бу шеърий тўпламни ўқиш керак. Шунда одам ажиб бир енгилликни ҳис қилади, ҳаётни ўзгача идрок қила бошлайди.

Бадиий асарни таҳлил қилишнинг энг осон йўли – ўқилган китобдан олинган таассуротлар асосида иншо ёздиришдир. Бундай иш талабалар учун жуда мароқли ва бунда ҳеч қандай чеклашлар, қоидаларга риоя қилишлар бўлмайди. Улар бу жараёнда жуда эркин фикрлайдилар. Бировнинг фикрига суяниш, кимларгадир тақлид қилиш, кимларнидир танқид қилиш кабилар уларни кийнамайди. Улар кўнгилларига келган туйғу орқали фикрларини баён қиладилар. Бундай иншолар жуда самимий чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, бадиий асарни таҳлил қилишга талабаларни ўргатиш жуда масъулиятли иш. Бундай жараён талабаларни ижодий фикрлашга, дунёқарашини шакллантиришга ва энг муҳими, уларни бадиий асар ўқишга ўргатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 193 б.
2. Каримов Б. Рухият алифбоси. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 99 б.
3. Лихачёв Д.С. Ещё о точности литературоведения // Лихачёв Д.С. Литература – Реальность – Литература. – Л., 1981. – С.195–200.
4. Улуғов А. Қалб қандили. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 202-б.
5. Хализев В.Е. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 1999. – 187 с.
6. Шеллинг В.Ф. Система трансцендентального идеализма. – М., 1936. – 383 с.